



THE HEURISTIC FUNCTION OF SYNCRETIC PHILOSOPHICAL THOUGHT IN RECONCEPTION OF SOCIAL PROCESSES

Davron Zafarovich Kamilov

Associate Professor of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy

E-mail: davrykamil02@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Syncretism, heuristic importance, social processes, volatility, social transformation, philosophical thinking, functional syncretism, project syncretism, methodology.

Received: 19.04.26

Accepted: 20.04.26

Published: 21.04.26

Abstract: The article analyzes the heuristic significance of syncretic philosophical thinking in reconceptualization of social processes. The complex and multifaceted nature of modern social reality indicates the limitations of traditional approaches in this area. From this point of view, syncretic thinking is interpreted as an approach that generates new content and conceptual understandings based on their interaction, not just a collection of various forms of knowledge. The article reveals the functional and projective manifestations of syncretism and substantiates its role in the formation of new ideas in the context of social transformations. Also, it is emphasized that syncretic philosophical thinking is an important methodological tool in the development of a deeper understanding of social reality and promising theoretical approaches.

ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ҚАЙТА АНГЛАШДА СИНКРЕТИК ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИНГ ЭВРИСТИК ФУНКЦИЯСИ

Даврон Зафарович Камиллов

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси доценти

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: davrykamil02@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Синкретизм, эвристик аҳамият, ижтимоий жараёнлар, волатиллик, ижтимоий трансформация, фалсафий тафаккур, функционал синкретизм, лойиҳавий синкретизм, методология.

Аннотация: Мақолада ижтимоий жараёнларни қайта англашда синкретик фалсафий тафаккурнинг эвристик аҳамияти таҳлил қилинган. Замонавий ижтимоий воқеликнинг мураккаб ва кўп қиррали табиати мазкур соҳадаги анъанавий ёндашувларнинг чекланганлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, синкретик тафаккур турли билим шакллариининг шунчаки йиғиндиси эмас, балки уларнинг ўзаро таъсири асосида янги мазмун ва концептуал тушунишларни ҳосил қилувчи ёндашув сифатида талқин этилган. Мақолада синкретизмнинг функционал ва лойиҳавий кўринишлари очиб берилиб, ижтимоий трансформациялар шароитида янги ғояларни шакллантиришдаги роли асосланган. Шунингдек, синкретик фалсафий тафаккур ижтимоий воқеликни чуқурроқ англаш ва истиқболли назарий ёндашувларни ишлаб чиқишда муҳим методологик восита эканлиги таъкидланган.

ЭВРИСТИЧЕСКАЯ ФУНКЦИЯ СИНКРЕТИЧЕСКОГО ФИЛОСОФСКОГО МЫШЛЕНИЯ В ПЕРЕОСМЫСЛЕНИИ СОЦИАЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ

Даврон Зафарович Камилов

Доцент Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан

Доктор философии (PhD) по философии

E-mail: davrykamil02@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Синкретизм, эвристическая значимость, социальные процессы, изменчивость, социальная трансформация, философское мышление, функциональный синкретизм, проектный синкретизм, методология.

Аннотация: В статье анализируется эвристическое значение синкретического философского мышления в переосмыслении социальных процессов. Сложный и многогранный характер современной социальной реальности указывает на ограничения традиционных подходов в этой области. С этой точки зрения синкретическое мышление интерпретируется как подход, генерирующий новое содержание и концептуальные представления на основе

их взаимодействия, а не просто совокупность различных форм знания. В статье раскрываются функциональные и проективные проявления синкретизма и обосновывается его роль в формировании новых идей в контексте социальных трансформаций. Также подчеркивается, что синкретическое философское мышление является важным методологическим инструментом в развитии более глубокого понимания социальной реальности и перспективных теоретических подходов.

Кириш. Замонавий жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараён кескинлашаётган шароитда воқеликнинг анъанавий монопарадигмал ёндашувлари бир ёқлама хусусият касб этмоқда. Шу боис, бу жараёнларнинг зиддиятларини аниқлаш, мохиятини билиш мақсадида синкретик фалсафий тафаккурнинг эвристик функциясидан фойдаланиш ижтимоий борлиқнинг кўп ўлчовли ва ночизиқли динамикасини яхлит назарий асослашга эҳтиёж сезилди. Зеро, айнан синкретик ёндашув мазкур жараёнда ижтимоий тажрибанинг турли қатламларини, жумладан, эмпирик билимлар, мафкуравий жараёнлар ва қадриятларни ягона методологик тизим доирасида мувофиқлаштирувчи когнитив механизм сифатида намоён этмоқда. Бу эса жамият трансформациясини назарий жиҳатдан деконструкция қилиш, мавжуд воқеликларни қайта англаш ҳамда янги ижтимоий маъно яратиш ва эвристик талқинларни шакллантиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий воқеликнинг кўп қатламли зиддиятларини англашда классик рационалик моделларининг эвристик турғунликка учраши бевосита методологик ригидлик, яъни ўзгармаслик феномени орқали концептуал тавсифланади. Ушбу ригидлик янгиланаётган ижтимоий динамикани эскирган қолиплар доирасида талқин қилишга уриниш натижасида шаклланиб, тафаккурнинг воқеликдан узилишига сабаб бўлади.

Бизнинг фикримизча, эвристик янгиланиш ва ижтимоий жараёнларни қайта англаш феномени, аввало, зиддиятли вазиятларда ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилади. Зиддиятсиз ҳолатларда тафаккур ўз инерцияси бўйича ҳаракат қилса, инқирозли вазиятларда синкретизм “эвристик портлаш” катализатори сифатида намоён бўлади. Айнан мажбурий зиддиятлар экзистенциал инқирозлар шароитида тафаккур бир-бирини инкор этувчи унсурларни ягона функционал тизимга интеграция қилиш орқали ностандарт

ечимларни ишлаб чиқишга йўналтирилади. Шу боис, синкретик эвристика тафаккурнинг ижтимоий хаос ва зиддиятларга нисбатан намоён этган конструктив-ижодий реакцияси деб баҳолаш мумкин. Бунда синкретизм эклектикадан фарқли ўлароқ, элементларни механик тарзда бирлаштириш билан чекланмай, балки уларни субъектнинг эҳтиёж ва манфаатларига мувофиқ муайян функционал мантикий изчиллик асосида боғланган тизимга айлантиради.

Асосий қисм. Тафаккур ривожланишида эвристиканинг ўрни ва аҳамияти мавзуси узоқ тарихий даврлар давомида фундаментал фалсафий муаммо сифати тадқиқ этиб келинмоқда. Фалсафага оид адабиётларда мазкур мавзу чуқур таҳли этилиб “эвристик фаолиятнинг бир қанча моделлари фарқланади” [1], деб таъкидланади. Эвристиканинг тарихий-фалсафий эволюциясини тадқиқ этар эканмиз, уни шартли равишда классик ва постклассик босқичларга ажратамиз. Классик эвристика Архимеднинг интуитив англаш ходисаси билан бошланган бўлса, Р. Декартнинг рационал изланиш методологияси билан такомиллашган, кейинги даврда Б. Больцано ва Г. Пойанинг каби файласуфларнинг мантикий-математик ечимлар топиш борасидаги қарашлари билан ривожланган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ижтимоий воқеликдаги кескин ўзгаришлар ва илмий мезонларнинг мураккаблашуви натижасида постклассик эвристика парадигмаси шаклланган. Мазкур парадигма асосида Г. Саймон, Г. Гигеренцер, Д. Канеман, А. Тверски, И. Пригожин ва Г. Хакен каби олимлар ижтимоий жараёнларни қайта англашнинг янги методологик тамойилларини асослаб берган. Хусусан, Герберт Саймоннинг инсон тафаккурининг реал имкониятлари ва ижтимоий воқеликнинг мураккаблиги ўртасидаги номутаносибликни бартараф этишга қаратилган “чекланган рационалик” назарияси алоҳида эътиборга молик. Унинг фикрича, “Инсон онгининг мураккаб муаммоларни ҳал этиш имкониятлари муаммонинг объектив ҳажмига нисбатан ғоят паст эканини кўрамиз. Шу боис, ижтимоий субъект объектив реаллик билан эмас, балки ўз тафаккурида шаклланган ўша реалликнинг соддалаштирилган модели билан қарор қабул қилади” [2]. Дарҳақиқат, инсон онги қаршисидаги муаммоларни атрофлича мантикий таҳлил қилиш учун доим ҳам етарли даражада назарий ҳамда эмпирик маълумотларга эга бўлмайди. Бизнинг фикримизча, билиш жараёнидаги бундай чекланганлик субъектнинг когнитив фаолиятини оптималлаштириш ва мураккаб воқеликларни соддалаштириш ҳамда умумлаштириш механизмларига мурожаат қилишини талаб қилади. Натижада турли тушунча, образлар ва қарашлар яхлит, аммо ички зиддиятни сақлаган ҳолда синкретик интеллектуал конструкция сифатида шаклланади. Шу нуқтаи назардан, онгининг ахборот ва ресурслар чекланганлиги шароитида дастлабки ва энг самарали йўл сифатида айнан

эвристик қарорлар қабул қилинади. Объектив ноаниқлик ва чекланганлик шароитида турли тушунча, образ ва қарашларни синкретлаштириш инсон тафаккурининг воқеликка нисбатан энг мослашувчан ва ижодий жавоби сифатида намоён бўлади.

Синкретик тафаккурнинг конструктив моҳиятини ва унинг билиш жараёнидаги ўрнини қуйидаги иккита асосий модус орқали тавсифлаш мақсадга мувофиқдир:

биринчи модус – “функционал синкретизм” бўлиб, у онгнинг мураккаб ва ноаник вазиятларга мослашишга ҳамда пайдо бўган муаммони қисқа вақт оралиғида ҳал этишга қаратилган адаптив стратегияси сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолатда субъект синкретлашув жараёнида хаос ва экзистенциал инқирозни бартараф этишга, тизим барқарорлигини сақлаб қолишга мўлжалланган тезкор фикрлаш моделига мурожаат қилади. Мазкур модуснинг асосий гносеологик вазифаси тўлиқ прагматик зарурат асосида воқеликнинг минимал, аммо амалий “ишчи модели”ни яратишдан иборатдир;

иккинчи модус – “лойихавий синкретизм” бўлиб, унда субъект мавжуд ижтимоий ва маънавий тизимларнинг анъанавий мазмунини онгли равишда қайта баҳолайди, унинг таркибий қисмларига янги эвристик маънолар юклайди. Мазкур модус мавжуд тизимни трансформатив қайта лойихалаш ва мақсадли реинтерпретация қилиш хусусияти билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан, лойихавий синкретизмни тафаккур эволюцияси занжиридаги янги парадигмаларни шакллантирувчи муҳим синтез олди ҳолатидир, деб баҳолаш мумкин.

Бу жараёнда синкретик тафаккур модусларининг ижтимоий воқеликда намоён бўлиши бевосита вазиятнинг мураккаблик ва ноаниқлик даражаси билан боғлиқ. Хусусан “функционал синкретизм” модусини объектив реалликдаги яққол ифодасини дастлаб микро даражада, индивидуал-когнитив миқёсда – инсон ва юқори алгоритмик тизимга эга компьютер шахмат дастурлари ўртасидаги ўйинлар мисолида кузатиш мумкин. Ушбу фикримизни 2002 йил гроссмейстер Владимир Крамник сониясига 3-8 миллион позицияни таҳлил қилувчи “Deep Fritz 7” шахмат дастурига қарши дуранг қайд этгани [3], 2003 йил Гарри Каспаров сониясига 5-12 миллион позицияни ҳисобловчи “Deep Junior” дастури билан ўтказилган баҳсда умумий ҳисобда дуранг натижаси [4], 2023 йил Хикару Накамуранинг сониясига ўн миллионлаб вариантларни баҳолайдиган замонавий нейрон тармоқ асосида ишловчи шахмат дастури билан дурангга эришгани [5] ҳақидаги маълумотлар асосида исботлаш мумкин.

АҚШлик математик Клод Шеннон шахмат ўйинининг дарахтсимон мураккаблиги ҳисоблаб “Бошаланғич позициядан ҳисобланиши керак бўлган вариантлар сони тахминан

10¹²⁰ ни ташкил этади. Агар машина ҳар бир вариантни бир микросекундда ҳисоблай олса ҳам, биринчи юришни аниқлаш учун 10⁹⁰ йилдан ортиқ вақт талаб қилинади” [6], деб қайд этган. Бироқ, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, гносеологик ва когнитив нуқтаи назардан инсон миясининг ҳисоблаш тезлиги мураккаб шахмат дастурларига тенг эмас ва барча эҳтимолий юришларни аввал алгоритмик тарзда тўлиқ таҳлил қилиш имконсиз бўлиб, айнан мана шундай ўта ноаниқлик ва ахборот кўплиги (индетерминизм) шароитида инсонда функционал синкретизм шаклланади. Демак, инсон барча вариантларни аввалдан ҳисоблаш имконига эга бўлмаган шароитда эвристик тафаккур ва позицион интуиция воситасида тезда воқеликнинг минимал “ишчи моделини” яратади ҳамда тизим мувозанатини таъминлашга интилади. Ушбу жараёнда фақат юқори малакали гроссмейстерларгина машинага қарши тенг кураш олиб бора олиши касбий фаолият ва тажрибанинг нақадар муҳим омил эканлигини намоён этади. Бу жараёнда тажриба шунчаки пассив ахборот базаси эмас, балки мураккаб вазиятларда энг мақбул ечимни тезкор сараловчи мослашувчан механизм вазифасини бажаради. Демак, функционал синкретизм ҳолатида тафаккур қарор қабул қилишнинг алгоритмик миқдорига эмас, балки вазиятнинг сифат кўрсаткичларига, яъни ёндашувнинг моҳиятига таянади. Тафаккурнинг мазкур трансформатив ва эвристик табиати унинг анъанавий, қатъий-рационал моделлар асосида шаклланмаслигини намоён этади. Бу ҳолат замонавий когнитив тадқиқотлар, хусусан, Г. Гигерензер ва Р. Хертвиг каби олимларнинг илмий ёндашувларида ҳам ўз тасдиғини топганлиги функционал синкретизмнинг аҳамиятини оширади. Мазкур тадқиқотчилар инсоннинг ҳукм чиқариш ва қарор қабул қилиш жараёнларини соф математик-идеал моделлар орқали тушунтиришни кескин танқид қилганлар. Уларнинг хулосасига кўра, инсон онгининг реал (дескриптив) фаолиятини тавсифлашда классик “кутилаётган фойдалилик назарияси” яроқли асос бўла олмайди [7]. Ушбу тамойил лойиҳавий ва функционал синкретизмнинг гносеологик моҳиятини янада аниқ акс эттиради. Таҳлилларда мураккаб ижтимоий-маънавий тизимларни қайта баҳолашда субъектнинг барча эҳтимолий вариантларни компьютер алгоритми каби тўлиқ ҳисоблаб чиқмаслигини, балки у мослашувчан адаптив механизмлар ва оддий эвристикалар ёрдамида воқеликни тизимли реинтерпретация қилишини исботлаган.

Бизнинг фикримизча, “функционал синкретизм” асосидаги эвристик ёндашув узок муддатли ва доим ҳам ижобий ҳамда истиқболли лойиҳа вазифасини бажармайди. У айрим вазиятларда фақатгина прагматик эҳтиёжларга асосланиб, табиатан бир-бирига зид ва деструктив унсурларнинг синкретлаши ва натижада жамият таракқиёти учун ўта хавфли

бўлган салбий ижтимоий қарорлар ва гибрид лойиҳаларнинг юзага келишига ҳам замин яратади. Унда муваққат барқарорлик таъминлаган ҳолатда ҳам тизим ичидаги тўлиқ ҳал этилмаган номутаносибликлар ва зиддиятлар таъсиридаги амалда турғунлик ҳолати сақланиб қолади. Шу боис, дастлабки хаос бартараф этилиб, тизим мувозанатга келгандан сўнг, жамият ушбу муваққат “ишчи модель”ни танқидий деконструкция қилишга ва уни мақсадли, институционал жиҳатдан мукамалроқ бўлган бошқа тизимга алмаштиришга ёки кейинги босқичда “лойиҳавий синкретизм”га трансформация қилишга объектив эҳтиёж сезади.

Биз юқорида ижтимоий жараёнларни қайта англашда синкретик тафаккурнинг иккинчи модуси деб тавсифлаган “лойиҳавий синкретизм” жамиятнинг стратегик тараққиёт йўналишларини ва маънавий-мафкуравий идентиклигини шакллантиришда яққол намоён бўлади. Бизнинг фикримизча, агар “функционал синкретизм” ноаниқлик ва инқирозли шароитда объектив зарурат туфайли юзага келган прагматик мослашув механизми вазифасини бажарса, “лойиҳавий синкретизм” субъектнинг мақсадга йўналтирилган интеллектуал қайта лойиҳалаш фаолияти ҳисобланади. Ушбу гносеологик феномен тафаккурнинг тадрижий ривожланишда деконструкция ва реинтеграция жараёнларининг айнан кесишган нуқтасида юзага келади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий жараёнларни қайта англашда синкретик фалсафий тафаккурнинг эвристик функцияси, унинг юзага келиши ва шаклланиш босқичлари ва намоён бўлиш хусусиятлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

биринчидан, замонавий ижтимоий трансформациялар ва экзистенциал инқирозлар шароитида классик рационаликка хос бўлган монопарадигмал ёндашувлар ўзининг эвристик салоҳиятини йўқотиб бормоқда. Бундай мураккаб ва ноаниқ вазиятларда синкретик фалсафий тафаккур ўта мослашувчан интеллектуал стратегия сифатида намоён бўлади. У “эвристик портлаш” катализатори сифатида фаоллашиб, турли хил когнитив, мафкуравий ва аксиологик унсурларни ягона методологик тизимга мувофиқлаштирувчи фундаментал гносеологик механизмга айланади. Натижада, мазкур эвристик функция классик моделлар билан англаб бўлмайдиган воқеликни қайта идрок этиш ва янги маънони конструкциялаш имкониятини бериб, фалсафий билишнинг илғор шакли сифатида ўзини тўлақонли намоён этади;

иккинчидан, ижтимоий воқеликни англашда синкретик тафаккурнинг конструктив-ижодий моҳияти иккита мустақил, аммо ўзаро узвий боғлиқ “функционал синкретизм” ва

“лойихавий синкретизм” модустда намоён бўлади. Бунда “функционал синкретизм” ахборот ва ресурслар чекланган мураккаб вазиятларда тизим барқарорлигини сақлашга хизмат қилувчи, прагматик заруратга асосланган тезкор “ишчи модель” яратиш стратегияси сифатида юзага келса, “лойихавий синкретизм” қайта баҳолаш ҳамда унга янги эвристик маънолар юклаш орқали амалга ошириладиган мақсадли концептуал трансформация жараёни сифатида ҳисобланади;

учинчидан, “лойихавий синкретизм” воситасида ижтимоий тизимларни қайта лойиҳалаш тадрижий ва ўзаро тақазоланган уч босқичли мантикий алгоритм асосида кечади, улар мавжуд эскирган институтларни танқидий рефлексия қилиш ва деконструкциялаш; институционал моделлар ва назарий концепцияларга янги эвристик маъно юклаш орқали уларни реинтерпретация қилиш; турли маданий, сиёсий ва иқтисодий моделларнинг функционал унсурларини янги архитектура доирасида яхлит синкретик синтезлаш кабила бўлиб, улар жамият тараққиётининг барча соҳаларида ўз ифодасини топади;

тўртинчидан, синкретизм – элементларнинг тартибсиз, юзаки жамланмасини ифодаловчи эклектизм ёки постмодернизм намояндалари таъкидлаганидек шунчаки тармоқсимон (ризоматик) спонтан алоқалар йиғиндисидан иборат тасодифий бирикма эмас. Синкретик эвристика – бу ижтимоий объектни онгли ва мақсадли равишда реинтеграция қилувчи, унга изчил назарий архитектоника, яъни маъно бахш этувчи мураккаб интеллектуал конструкциялаш жараёнидир. Айнан шу механизм фалсафий тафаккурнинг давр талабларига мос равишда ўзгарувчанлигини таъминлашга хизмат қилади;

бешинчидан, синкретик эвристика субъектни концептуал қолиплар бандилигидан озод этиб, унга ижтимоий борлиқни доимий равишда қайта баҳолаш ҳамда англаш салоҳиятини тақдим этади, тафаккурнинг айнан мана шу узлуксизлиги мураккаб трансформация шароитларида цивилизация барқарорлик ва тараққиётнинг бош кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шермухаммедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси.– Тошкент: ношир нашриёти, 2005.
2. Simon H.A. Models of Man: Social and Rational. – New York: Wiley, 1957.
3. Fritz Defends to Draw Game 8 and the Match! Final Score: 4-4 // ChessBase. – 2003. – URL: <https://en.chessbase.com/post/fritz-defends-to-draw-game-8-and-the-match-final-score-4-4> (мурожаат қилинган сана: 30.03.2026).

4. Kasparov ties man vs machine chess series // ABC News. – 2003. – URL: <https://www.abc.net.au/news/2003-11-19/kasparov-ties-man-vs-machine-chess-series/1511140> (мурожаат қилинган сана: 30.03.2026).

5. Man versus machine: when Garry Kasparov met his match // Financial Times. – 2021. – URL: <https://www.ft.com/content/d152fd54-8d56-4988-b42b-9e656dd8adf0> (мурожаат қилинган сана: 30.03.2026).

6. Shannon C. E. Programming a Computer for Playing Chess // Philosophical Magazine. Ser. 7. – 1950. – Vol. 41. – № 314.

7. Khalil R., Brüne M. Adaptive decision-making “fast” and “slow”: A model of creative thinking // European Journal of Neuroscience. – 2025. – Vol. 61. – № 5. – P. e70024. – DOI: <https://doi.org/10.1111/ejn.70024>.